

ШОВКАТОВ Шокир Шовкат ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ҳузуридаги Малака ошириш маркази ўқитувчиси
shokirshovkatogli1976@gmail.com

САДРУЛ-ИСЛОМ АБУЛ-ЮСР МУҲАММАД ПАЗДАВИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

SADRUL-ISLAM ABU-YUSR MUHAMMAD PAZDAVIY LIFE AND SCIENTIFIC ACTIVITY

ЖИЗНЬ И НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ САДРУЛ- ИСЛАМ АБУ-ЮСРА МУХАММАДА ПАЗДАВИЯ

Аннотация. Ушбу мақолада Бугунги кунда ислом оламида аҳли сунна вал-жамоа калом мактабининг иккита йирик йўналишидан бири сифатида эътироф этилган мутуридийлик таълимотининг ривожда ўзига хос ўрин тутган аллома – Абул-Юср Паздавийнинг илмий меросини ўрганиш. Паздавийлар оиласи вакиллариининг ҳанафийлик ҳуқуқий мазҳаби ва мутуридийлик ақидавий таълимоти ривожда хизматлари катта бўлиб, уларнинг фаолияти ва илмий меросини таҳлил қилиш орқали мазкур таълимотларнинг ривожланиш тарихи ҳамда бу жараёнга Паздавий олимларнинг таъсири борасида янги илмий ҳулосаларни олиш мумкин.

Калим сўзлар. Аҳли сунна вал-жамоа, калом, мутуридийлик, етакчи, ашъарийлик, устоз, ақида, минтақа, таълимот, силсила, шаҳобча, таъвилот.

Annotation. This article examines the scientific legacy of Abul-Yusr Pazdavi, an allama who has a unique place in the development of the doctrine of Muturidism, which is recognized as one of the two main directions of the Ahl-e-Sunna wal-Jamaa school of kalam in the Islamic world today. The representatives of the Pazdawi family have made great contributions to the development of the Hanafi legal sect and the doctrine of Muturidism, and by analyzing their activities and scientific heritage, new scientific conclusions can be obtained regarding the history of the development of these teachings and the influence of Pazdawi scholars on this process.

Keywords. Ahli sunna wal-Jamaa, kalam, Muturidism, leader, Ash'ariism, teacher, creed, region, teaching, silsila, shahabcha, ta'wilat.

Аннотация. В данной статье рассматривается научное наследие Абул-Юсра Паздави, алламы, занимающего уникальное место в развитии учения мутуридизма, признанного одним из двух основных направлений школы Ахли-Сунна валь-Джамаа. калам в современном исламском мире. Представители семьи Паздави внесли большой вклад в развитие ханафитской правовой секты и учения мутуридизма, а анализируя их деятельность и научное наследие, можно получить новые научные выводы относительно истории развития этих учений и влияние ученых Паздави на этот процесс.

Ключевые слова. Ахли Сунна валь-Джамаа, калам, мутуридизм, лидер, ашаритизм, учитель, вероучение, регион, учение, силсила, шахабча, таъвилат.

КИРИШ

Тарихий ёзма манбаларда «Пазда» шаҳарчаси эра бошларида Қашқадарё воҳасининг жанубий-ғарбий этакларида вужудга келган йирик аҳоли манзили бўлиб, XIII аср бошида содир бўлган муғуллар босқини сабаб Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлар қатори Пазда ҳам харобага айланган ва бу ҳуҳуд ҳозирда Қашқадарё вилояти Касби тумани, Пазли қишлоғи ҳудудига тўғри келиши қайд этилган [14:201].

XII асрнинг машҳур тарихчиси Абдулкарим Самъоний (1163-1167) ҳам Пазда Насафдан олти фарсах узоқликдаги баланд ва мустаҳкам қўрғоннинг номи экани ва ўзи ҳам шаҳарда бир муддат бўлгани, у ерлик олимлардан дарс олганини зикр этган. Профессор П.Равшанов изоҳларида Шаҳар қалъаси обидалари энг пастки қатлами I-II асарларга мансуб экани айтилган.

Шунингдек, Абдулкарим Самъоний (1113-1167), Шамсиддин Заҳабий (1275-1348)лар табақот асарларида араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим (669-715)нинг дўсти Сулайм ибн Мансур Басрий Паздавий (VIII аср) ва унинг набираси Аҳмад ибн Азиз ибн Сулайм Паздавий, Абу Талҳа Мансур ибн Қарийна Паздавий (ваф. 329/941 й.), Абу Абдуллоҳ Убайдуллоҳ ибн Амр Паздавий (ваф. 323/935 й.) каби йигирмага яқин Паздалиқ муҳаддислар ҳақида маълумотлари Паздада VIII асрдаёқ илм-фаннинг турли соҳаларига оид илмий мактаб мавжуд бўлганини билдиради [4:340].

Паздадан етишиб чиккан олимларнинг энг машхурлари Абдулкарим Паздавий (912-999) ва унинг авлодлари: ўгли Хусайн, набираси Муҳаммад, унинг икки ўгли Фахрул-ислом Абул Уср Паздавий (1009-1089) ва Садрул-ислом Абул Юср Паздавий (1030-1100) ҳамда уларнинг фарзандалари Хасан ибн Фахрул-ислом (1078-1161) ва Аҳмад ибн Абул Юср Паздавий (1088-1147)лар бўлиб, уларнинг илмий фаолияти ҳанафий фикҳи ва мотуридийлик ақидавий таълимоти ривожда ўзига хос ўринга эга.

Паздавийлар хонадонининг тўртинчи авлод вакили Садрул-ислом Паздавийнинг тўлиқ исми Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Хусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид бўлиб, тахминан 421/1030 йилда Паздада дунёга келади. Садрул-ислом Паздавий Марказий Осиёда илм-фан ривожланган XI асрда яшаб ўз давридаги барча илмларни чуқур билгани, кўплаб шогирдларни тарбиялагани ва ислом ҳуқуқи ҳамда ақидасига оид муҳим илмий асарлар таълиф этгани учун илм аҳли томонидан унга кўпгина илмий унвонлар берилган.

Абдулкарим Самъоний (1113-1167) аллома ҳақида шундай дейди: “Паздавий халқ орасида қозилар пешвоси «Қодий ас-содр» (Аср қозиси) сифатида танилган бўлиб, Бухорода бир қанча вақт ҳадис имло қилдирган, фикҳ соҳасида талабаларга дарс берган забардаст назариётчи олим эди” деб зикр қилган.

Абу Ҳафс Умар Насафий “ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” асарида “Абул Юср мутлақ олганда имомларнинг имомидир, турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш учун унинг олдига келар эди. У зот усул ва фуруъда кўплаб асарлар ёзган. Самарқанд қозилигига тайинланган ва бир муддат ҳадис имло қилдирган” деб зикр қилади.

Хайриддин Зирклиий ўзининг “Аълом” номли китобида айтишича, Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавийнинг “Абул-Юср” (осонлик отаси) деб қуяланишига сабаб, унинг китоблари оддий ва содда тилда ёзилганидир. Муқобил равишда унинг акаси Али ибн Муҳаммад Паздавийнинг таълиф қилган асарлари юқори илмий савияда ёзилгани, уларни тушуниш учун муайян билимлардан хабардорлик талаб этилгани, учун “Абул-Уср” (қийинлик отаси) қуяси билан машхур бўлган. Уларнинг

бобоси Абдулкарим Паздавий муҳаддис бўлиб, Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлган. Ибн Абулвафонинг “Жавоҳир” асарида айтилишича у 390/999 йилда вафот этган, исми Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо бўлган. Абул-Юср Паздавий мазкур боболари тўғрисида ўзининг “Усул ад-дин” асарида сўз юритиб, унинг Мотуридий ҳақидаги ривоятлари авлоддан авлодга ўтиб бораётганини таъкидлайди. Умар ибн Муҳаммад Насафий “ал-Қанд фи тарихи Самарқанд” асарида: “Абул-Юср мовароуннаҳрлик асҳобларимизнинг шайхи, имомлар имоми эди. Турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш учун унинг олдига келар эди. У усул ва фуруъда кўплаб асарлар ёзган. Самарқанд қозилигига тайинланган ва бир муддат ҳадис имло қилдирган”, деб маълумот беради.

Аллома асосан «Садрул-ислом» (الصدر الاسلامي) номи билан танилган. Садрул-ислом Паздавий илмий камолотга етишида оилавий муҳитининг таъсири катта бўлган. Ўз давридаги кўплаб фанларни, жумладан, ҳадис, тафсир, ақида ва фикҳ илмларини отаси Муҳаммад ва бобоси Хусайндан ўрганган. Улар эса ўз навбатида Мотуридийнинг шогирди бўлган катта бобоси Абдулкарим Паздавийдан таълим олган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абул Юср Муҳаммад Паздавий мотуридий таълимотининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган алломадир. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз учрайди. Шу сабабли Паздавий ҳақида маълумот ёзмоқчи бўлган киши тарихий алломаларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганмоқчи бўлган аксари тадқиқотчилар учрайдиган баъзи қийинчиликларга дуч келади. Сабаби эса тарихий манбаларда кўплаб аллома аждодларимиз ҳаётига оид камдан-кам маълумотлар мавжудлиги, борлари ҳам умумий маълумотлардан иборат эканлиги билан боғлиқ.

Шунинг учун Садрул ислом Паздавий ҳаётининг кенг қамровли тарихини ёзиш қийин кечади. Ўз навбатида, Паздавийнинг ёшлиги ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд эмаслиги алломанинг устозлари, ҳамсабоқлари, таълим олган даргоҳлари, унинг дунё қараши, хорижий юртларга сафарлари, бошқа уломлар билан

олиб борган баҳс-мунозаралари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишга имкон бермайди. Унинг ҳаёти ҳақида Паздавийнинг ўзи томонидан ёзиб қолдирилган манбалардангина маълумот олишимиз мумкин. Қолаверса, Абул Юср Муҳаммад Паздавийнинг “Усил ад-дин” асарини ўқиган киши ҳам аллома ҳақида қисман маълумотга эга бўлади бироқ бундан ҳам тадқиқотчи олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида етарлича хабардор бўлолмайди. Аммо, Ибн Қутлубоғанинг “Табақотул-ханафийя” китобининг муқаддимасида Садрул ислом Паздавий ҳаёти ҳақида қуйидаги маълумот қайд этилган. “Тўлиқ исми Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Хусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид Паздавий бўлган бу зот мотуридия таълимотининг йирик намоянчаси ва давомчисидир. У киши соф ақидавий қарашларни ҳимоя этгани сабабли «Садрул-ислом» номини олган. Олим 421х/1030м йили Насаф, ҳозирги Қарши шаҳрида туғилган. Унга берилган «Паздавий» нисбаси эса Насаф шаҳридан олти фарсах масофада жойлашган «Пазда» ёки «Базда» деган қўрғон номидан олинган. Паздавийнинг ёшлик йиллари тўғрисида маълумотлар манбаларда деярли учрамайди. У дастлабки сабоқни отаси Абулхусайн Муҳаммад Паздавийдан олган. Кейинчалик бир қанча ханафий олимларидан Исломи асосларини чуқур ўрганди. Паздавийнинг етук фақиҳ бўлиб етишишида Исмоил ибн Абдуссодик, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Саёрий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад Найсабурий ва Шайх Имом Абулхаттоб каби олимларнинг ўрни беқиёс бўлган. Мовароуннаҳрда, айниқса, Бухорода ханафий мазҳаби ва мотуридия калом мактабининг ривожланишига Абул Юср Паздавийнинг хизмати катта бўлган. Олим мамлакат пойтахти Самарқандга кўчиб келгач, шофийий ва ашъарийларнинг ханафий таълимотига қарши фаолиятини фoш қилишда жонбозлик кўрсатди ҳамда Имом Мотуридий ва Абу Ҳанифанинг Ашъарийга нисбатан устунлигини далиллар билан исботлади ҳамда ҳимоя қилди” [6:188].

Паздавий ўз даврининг йитук аллома устозлари берган таълимларидан ташқари ўтмишдаги муҳаддис, муфассир, мутакаллим ва фақиҳ олимларнинг асарларини ҳам ўрганган. Паздавий ўзи ўрганган фикҳий асарларни

номларини тилга олмаган ҳолда қисқача зикр қилган бўлса-да, «Усул ад-дин» китобининг муқаддимасида ўқиган китоблари ҳақида тушунча беради. Масалан, Исҳоқ ал-Киндий ва Исфазоний каби файласуфлар Абдулжаббор ар-Розий, Жуббойи, Каъбий ва Назом каби мўътазилийлар, Муҳаммад ибн Ҳайсам каби мужассималарнинг ёзганлари ҳақида гапиради. Унинг Ашъарий қарашларини чуқур ўрганганлиги “Ашъарийнинг кўпгина китоб ва ҳикматларини ўрганганман” – деган сўзларида яққол кўринади [2:3].

Паздавий бобосининг устози Мотуридийнинг “Китобут-Тавҳид” ва “Китобут таъвилотиул Қуръон” асарларини яхши билган. Дарҳақиқат, у ўз диёри уламолари томонидан ёзилган фикҳий, фалсафий ва ақидавий китобларини ҳам ўқиган, гарчи уларнинг номларини тилга олмаса ҳам.

Олим ўзигача бўлган ва ўқиб танишиб чиққан китоблари орасида бошқа мазҳаблар таълимоти ҳақида сўз юритувчи фикҳий, фалсафий ва ақидавий асарлар ҳам мавжудлиги ҳақида ёзма маълумотнома сифатида «Усул ад-дин» асарида зикр қилган. Шубҳасиз, У машҳур мусулмон ҳуқуқшунослари ва шариат уламолари учун зарур бўлган илмларни эгаллаган ўз даврининг қомусий алломаларидан эди.

Аллома “Усул ад-дин” асарида ақидавий масалаларни даллилашда Қуръони каримнинг кўплаб оятларига таянган Олим, бу масала бўйича тўртта тафсирдан фойдаланган:

- 1) Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳанзалийнинг “ат-Тафсир”;
- 2) Абд ибн Ҳумайд ал-Кейшийнинг “Тафсир Абд ибн Ҳумайд”;
- 3) Абул Қосим Заҳҳок ибн Музоҳим ал-Ҳилолийнинг “ат-Тафсир”;
- 4) Имом Мотуридийнинг “Таъвилотул-Қуръон” тафсиридир.

Паздавий “Усул ад-дин” китобида эътиқодий масалаларни даллилашда Қуръони карим оятларининг тафсирига оид тафсилотларни чуқур шарҳлаб тушунтириш билан бирвақтда, турли фалсафий ва фикҳий ихтилофлардан кескин воз кечган.

Аллома “Усул ад-дин” асарида эътиқодий масалаларни Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари билан даллилашда имом Муслимнинг “Саҳиҳ” ва Абу Довуднинг “Сунан” асарларига таянган.

Садруъл-Ислом Абул Юср Муҳаммад Паздавийнинг илмий фаолиятида ҳам, таълим бериш жараёнида ҳам самарали бўлган энг муҳим жиҳат унинг – қози ва имом бўлганлигидир. Унинг қозилиги ўз сўзини айтишда ва мотуридийлик калом таълимотини кенг тарғиб қилишда улкан ютуқдир. Чунки у қози ва имом бўлганлиги билан тарихда чуқур из қолдирган буюк алломаларлардандир. У ханафийлар учун ҳуқуқий (фикҳий) асарлар тузишни қатъий тартиб асосида бўлишини талаб қилган Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “ас-Сиярул-Кабир” китобининг шу жиҳатини мукаммал ўрганган.

Мавароуннаҳр қадим замонлардан бери ханафий фикҳи ва шариат илмлари учун муҳим марказ бўлиб келган. Паздавий ҳам шу мактабда ўқиган. У асарларининг кўп жойларида ханафий мазҳабига амал қилишини айтиб ўтади.

Паздавий Самарқандда қози бўлгунга қадар айнан қаерда яшагани маълум эмас. У Андижонда, Сирдарё дарёси бўйидаги Ахсикат шаҳри яқинида бўлганлигини айтади. “Усул ад-дин” асарида у ерда бир файласуф билан охират ҳақида баҳслашганини келтириб ўтади.

Садруъл-ислом Паздавий 478/1085 йилда Бухорода бўлганлиги, 481/1088 йилда эса Самарқандда қози бўлганлиги манбааларда қайд этилган. Аллома Самарқанд шаҳарида Маликшоҳ қўшинларининг қамалини бошидан кечирган ва 493/1099 йили Бухорода вафот этган. У умрининг кўп қисмини Бухорода ўтказган ва шу шаҳарда исломий билимлардан таълим берган ва китоблар талиф этиш фаолиятини давом эттирган, кўплаб асарларини шу ерда ёзган, ислом ҳуқуқшунослиги илмидан сабоқ бериб, ўз даврининг забардас қозиси сифатида шуҳрат қозонган.

Абул Юсрнинг шуҳрати Унинг асарлари ва шогирдлари орқали кенг тарқалди. Унинг 460/1078 йилда Насафда туғилган ва 537/1142 йилда Самарқандда вафот этган ўз асрининг энг йирик мутакаллим ва ханафий фақиҳ олимларидан бўлган, “Ақоиду-н-Насафий” асарини ёзиб, мотуридийя ақидавий мазҳаби таълимоти ҳақида илгари сурган асари билан машҳур бўлган шогирди Нажмуддин Муҳаммад Насафий орқали айниқса кенг тарқалди.

Паздавийнинг шуҳратини кенг тарғиб қилган яна бир шогирди Қудурийнинг “ал-Мухтасар” асарига шарҳ ёзган таниқли

имомлардан бири Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Санъи (ёки ас-Сабоъи) эди.

Ўз ўрнида Паздавий билан таҳсил олган ҳамсабоқ олимлардан икkitаси:

1) Муҳаммад ибн Тохир ас-Самарқандий,

2) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Хулламийлар ўз мамлакатидаги ханафий мазҳабининг энг буюк олимларидан бири бўлган Қози Паздавийга шогирд эканликлари ҳам алломага шуҳрат келтирди. Бу эса алломанинг ўз даврида ва мамлакатида нақадар юксак илмий салоҳиятга эга олим эканлигини билдиради. У ҳақда ёзган, у билан замондош ёки шахсан таниган ҳар бир киши у билан фахрланиши, илмининг юксаклигига тан бериши манбаларда учрайди. Жумладан Паздавий ҳаётига оид қайдларимизни унинг буюк шогирди Умар Насафийнинг қуйидаги сўзлари билан яқунлаймиз: “Абул Юср Мовароунаҳр диёридаги тенгдошларимизнинг шайхи, имомлар имоми эди, унинг даргоҳига ҳар томондан, шарқу-ғарбдан одамлар илм истаб келишарди [11:63-66].

Аллома «Калом илми йўналишида “Усул ад-дин”, Усулул фикҳ илми йўналишида “Маърифатул хужжажуш шаръийя”, ва Фуруъул фикҳ илми йўналишида «ал-Жомий ас-сағир» асарига шарҳ сифатида «Таълиқот» ва ҳошия сифатида «ал-Мураттаб» рисоаларини, «ал-Вокиот», «ал-Мабсут» асарларини ёзди ва бу билан ислом олами илм хазинасини қимматли манбаалар билан тўлдирди ва бойитди.

Паздавий асарлари орасида «Усул ад-дин» алоҳида аҳамиятга эга. Аллома ушбу китобини тўқсон олтига масала кўринишида баён қилиб, унда турли ақидавий масалалар, жумладан, биринчи бўлимда калом илмини ўрганиш ва ўргатиш ҳукми ҳақида, охириги тўқсон олтинчи бўлимда эса мотуридийларга қарши бўлган фирқалар ҳақида сўз юритган.

Ушбу асарни шарқшунос олим Ҳанс Петр Лансс 1952 йили қайта ўрганиб чиқди ва 1963 йили нашр қилди. Кейинчалик Шарофиддин Гулсук уни турк тилига таржима қилиб, 1980 йил Истанбулда «Аҳли сунна ақоиди» номи билан чоп эттирди.

“Усул ад-дин”нинг муқаддимасидан келиб чиқиб, Имом Паздавий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилгандан сўнг, Паздавий ҳаёти ҳақида сўз юритувчи “Тарожим” китобларига назар ташлаб, унинг

иждо ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Усул ад-дин – диннинг келиб чиқиши ва асосларини ўргатади. Бу бир атама сифатида иймон ва ақиданинг барча асосларини тадқиқ этувчи ва тушунтирувчи, маълум маънода Куръон асосида ақидаларнинг фалсафаси ва оқилона талқинини яратувчи фан соҳасининг номидир. Бу фан соҳасига ҳам калом, тавҳид илми каби номлар берилган.

Имом Паздавийга тегишли “Усул ад-дин” асарини тадқиқ қилишда, Др. Ханс Питер Линс томонидан 1383/1963 йилларда Қоҳирада нашр этилган нусха асос қилиб олинди. Ҳамда ушбу асарнинг Қайсарий Рашид Афанди кутубхонасида 516-рақам билан қайд этилган “Рисалатул-Ақоид” номли 1201-йилга оид Дарвиш Хусайнга тегишли нусхаси борлиги, ҳамда ушбу асарнинг қўлёзмасини асл сақланадиган жойи Ҳиндистондаги “Мактабаи Ризо Полонпур” кутубхонаси бўлиб, электрон нусхаси Мадина ислом университетининг қўлёзмалар мажмуаси фондининг электирон бўлимида 11-рақам остида “Ал-муяссар фил калом” номи билан сақланаётгани аммо, ушбу қўлёзма матни тўлалигича Абул Юср Паздавийнинг “Усул ад-дин” асари матни кўчирмаси эканлиги аниқланди. Мазкур қўлёзма нусха 1089 ҳижрий (1680 милодий) санада, жумадил охир ойининг сешанба куни, пешин номози вақтида, Аллоҳнинг тавфиқи билан кўчириш тугади дейилган. Аниқ санани аниқлаш қийин. Котиб ҳақида маълумот йўқ охирги бети жуда сифатсиз нусхаланган. Лекин ушбу нусха тўлиқ сақланаётгани аниқланди.

Имом Паздавий “Усул ад-дин” ёки “Ақоид” рисоласи деб таснифлаган бу асарни учта сабабга кўра ёзганлигини айтади:

- 1) Мамлакатда бузук ва бидъатчилар қарашларининг пайдо бўлиши;
- 2) Фақиҳлар фикҳ илмини чуқурлаштиришга мойил бўлиб, фақат шу илмга эътибор қаратиб қолганлиги,
- 3) Аҳли Суннат ва жамоат аҳлининг соғлом эътиқодий қарашларини кенг ёйиш ва амал қилишни кенг тарғиб қилиш мақсадида баҳс-мунозара майдонига кириш.

Бу сабабларнинг барчаси Имом Муҳаммад Паздавийни аҳли суннат ва жамоатнинг соғлом эътиқодий қарашлари асосида қисқа, ихчам китоб ёзишга ундайди ва у бу ниятини ушбу асарида аҳли суннат ва жамоат иборасини тез-

тез ишлатиш билан ифодалайди. Дарҳақиқат, Паздавий бу гапи билан Имоми Аъзам Абу Ҳанифа тарафдорлари, айниқса эътиқоддаги мазҳаби Мотуридий бўлганларни назарда тутди. Унинг бу нияти асар бошида Имом Ашъарий ва Ибн Куллаб ҳақида сўз юритилганида яққол кўринади. Гарчи у бу иккисини аҳли суннатдан қабул қилган бўлса-да, айрим масалаларда хато қилганликларини айтади. Шундай қилиб, Имом Паздавий аҳли суннат ақидасига қанчалик пухталиқ билан ёндашганлиги ва бу ақида асосларини баён этишдаги саъй-ҳаракати нақадар юксаклиги аён бўлади. Имом Паздавийнинг аҳли суннат эътиқодларини ҳимоя қилишда аҳли суннат ва жамоатни таърифида ҳамда ноисломий жамоаларнинг эътиқодларни таърифларида яққол намоён бўлади.

Асарни тадқиқ қилишда, аҳли суннат ва жамоат мазҳабига мансуб имом қаламидан ҳалқимизга суннатнинг софлиги ва соддалигини, жамият аҳлининг эътиқодини етказиш бўлди. Имом Паздавий таъкидлаган ҳолатлар бугунги кунда ҳам атрофимизда мавжуд.

Абул-Юср Паздавий Мовароуннаҳрда айниқса, Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридий калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган. Бинобарин, унинг пойтахт ҳисобланган Самарқандга кўчиб келиши ҳам, ҳанафий таълимоти ривожланишининг йўналишларини сезиларли даражада ўзгартириб юборади. Уламолар орасида катта обрўга эришган Абул-Юср Паздавий Самарқандда “Қозийул-қузот” унвонига эришади. Лекин салжуқийлардан Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга қарши юриши натижасида (481/1088-89й.) алломанинг Самарқанддаги муваффақиятли фаолиятига якун ясалади. Айнан шу ҳолат алломанинг акаси Али Паздавийда ҳам кузатилиб, у Кешга сургун қилинади ва ўша ерда вафот қилади. Сўнгра Абул-Юср Паздавий ва Абул-Муин Насафий ўз оилалари ва шогирдлари билан Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўлади. Бу икки алломанинг, айниқса, уларнинг шогирди ҳисобланмиш Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад Самарқандийнинг (в. 539/1144-45й.) Бухорога кўчиб ўтишлари у ерда мутакаллим олимлар орасида Мотуридий таълимотининг кенг ёйилишида ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Қолаверса, аллома акаси

Фахрул-ислом Абул-Уср Али Паздавийдан кейин ўз даврида ханафийлар шайхи бўлган. Унинг куняси “Қози ас-содр” (аср қозиси) бўлиб, усулий олим ва фақиҳ эди. У шофий – ашъарийларнинг ханафийлар таълимотига қарши қаратилган фаолиятини фош қилишда жонбозлик кўрсатади ҳамда имом Мотуридий ва Абу Ҳанифанинг Ашъарийга нисбатан устунлигини ҳимоя қилади [13:160]. Паздавий имом Ашъарийнинг кўплаб асарларини муталаа қилади. Унинг “Мужиз ал-кабир” ва “Мақолат ал-исломийин” асарларини ҳам кунт билан ўрганади. Аллома ўзининг “Усул ад-дин” асари муқаддимасида Киндий каби файласуфларнинг, Жуббойи, Каъбийи ва Наззом каби мўътазила имомларининг асарларини ўқиб чиққанлигини зикр қилиб, улар ҳақидаги қарашларини баён қилади. Бундан ташқари, у Абу Мансур Мотуридийнинг калом ва фикҳ илмига доир асарлари ҳамда китоблари ва бошқа турли фанлар тўғрисида ёзилган асарларини ҳам кунт билан ўрганиб чиққанини айтади. Унинг Самарқандда олиб борган фаолиятининг муҳим йўналиши ҳам, Мотуридийнинг эътиқодий қарашларини ханафий мазҳаби ақидасига айлантиришдан иборат бўлган.

Мутакаллим олимлар аҳли сунна вал-жамоанинг соф эътиқодий қарашларини баён қилиш билан бирга ўз давридаги турли адашган фирқа ва оқимларга ақлий ва нақлий далиллар воситасида раддиялар берганлар. Шунингдек, аҳли сунна вал-жамоанинг ақидавий таълимотларидан бири бўлган ашъарийлик таълимотининг ҳам айрим қарашларига ўз муносабатларини билдириб ўтган. Абу Мансур Мотуридий асарларида ашъарийлик таълимотига нисбатан фикрлар учрамайди. Чунки бу даврда ашъарийлик таълимоти ҳам, мотуридийлик таълимоти ҳам алоҳида ақидавий мактаб даражасига етмаган эди ва ушбу икки таълимотнинг ғоявий рақиблари, асосан муътазилийлар эди. Мотуридийлик таълимоти вакиллари билан биринчи бўлиб, Абул-Юср Паздавийнинг ашъарийларга нисбатан билдирган фикрларини учратиш мумкин. Чунки Паздавий ўз давридаги турли фирқа вакиллари билан бир қаторда, Абул Ҳасан Ашъарийнинг ҳам асарларини таҳлил қилган. Паздавий Ашъарийнинг асарлари ҳақида шундай фикр билдирган: “Бизнинг асҳобларимиз

“таквин” ва “мукавван” масаласида Абул Ҳасан Ашъарийнинг фикрларини нотўғри деб ҳисоблайди. Шунинг учун ким Абул Ҳасан Ашъарий хато қилган масалалардан воқиф бўлса ва унинг хатосини билса, унинг китобларидан фойдаланиши ва сақлашидан хавф йўқ. Чунки, кўпгина уламоларимиз имом Ашъарийнинг китобларини ўқиб турганлари сир эмас” [2:14].

Калом илми вужудга келган дастлабки даврларда унга нисбатан салаф уламолари қарши чиққанлар ва ҳатто калом билан шуғулланган инсонни кофир даражасига ҳам чиқарганлар. Бунга сабаб, исломнинг илк даврларида ҳар қандай шаръий масалани ечишда фақатгина Қуръон ва Суннатга суяниш зарур бўлган. Ақлий тафаккурга оид бўлган мантиқ, фалсафа каби фанлар билан шуғулланиш қатъиян ман қилиб қўйилган эди. Калом илми эса, ақидавий масалаларни нақлий далиллар ҳисобланмиш Қуръон ва ҳадислар билан бир қаторда ақлий тафаккур ва баъзи ўринларда фалсафий ёндашувларни ўзида мужассам этган илм ҳисобланган. Шу боис дастлабки даврларда калом билан шуғулланган олимлар (мутакаллимлар) фақиҳ уламолар томонидан кескин танқидга учраганлар.

Бунга мисол қилиб калом илмини танқид қилган бир қанча фақиҳ уламоларнинг фикрларини келтириш мумкин: Абу Ҳанифа шундай деган: “Амр ибн Убайдни худо урсин. Чунки У калом илмига эшик очиб берди”.

Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуф: “Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни билмаслик эса илмдир”. Имом Шофий эса, калом илмига энг қаттиқ қаршилик кўрсатган: “Аҳли калом ҳақидаги менинг ҳукмим қуйидагича: Уларни дарахт пўстлоғлари ва ковушлар билан савалаб, эшакка тескари мингизиб ўзларининг қабилаларига сазойи қилиш керак ва қabila аҳллари, бундай жазо фақат Қуръон ва суннатни тарк этганларга берилур, деб жар солиш керак”, деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: “Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон иқболли бўлмас”. Абул-Лайс Ҳофиз шундай деган: “Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташланади”.

Калом илмини танқид қилган олимлар, Қуръон ва ҳадисда ислом таълимоти,

мафкураси, эътиқодий-назарий қарашлари муфассал талқин этилган ва шунгача бўлган ҳар қандай диний, фалсафий, мантикий ва ақлий назариялар бекорчи нарсалардир, деган фикрларида қатъий туриб олганлар. Улар ислом динигача шаклланган юнон, форс ёки шарқ фалсафаси, шу жумладан, калом илмидан воз кечишни маъқул деб билганлар. Чунки калом илмидан нақлий далиллар олиб ташланса, фалсафа илмига жуда яқин бўлиб қолар эди. Калом илмига нисбатан таъқиқ ва чекловлар ҳижратнинг иккинчи асригача давом этган.

Лекин кейинги асрларга келиб ислом дини дунёнинг кўп мамлакат ва халқларига ёйилиши ва ислом мафкурасининг турли ноисломий мафкуралар билан тўқнашуви натижасида уларга раддия бериш муаммолари келиб чиқа бошлади. Чунки ислом ақидаси ва аҳкомларини уларга тушунтириш ва асослаб бериш учун оят ва ҳадисларнинг ўзи кифоя қилмас эди.

Шунингдек, ислом динининг ўзида ҳам исломнинг соф ақидасига зид бўлган тоифа ва оқимлар пайдо бўла бошлаган эди. Бундай оқим ва тоифалар ўзларининг дунёқарашларида асосан калом, мантиқ, жадал, мунозара каби ақлий далил ва ҳужжатларга суянар эдилар. Бундай оқимларнинг энг пешқадамларидан бири, шубҳасиз муътазилийлар эди. Улар ўзларининг ақидаларини тарғиб қилишда ҳатто тазйиқ ва куч ишлатиш усулларидан ҳам фойдаланар эдилар. Бунга мисол килиб, уларнинг энг ёрқин вакиллари Ибн Абу Довуднинг халифа Маъмунга “Қуръон махлукдир” деган нотўғри ақидани барча мусулмонларга мажбуран сингдириш зарурлигини уқтиргани ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги тарихий воқеаларни келтириш мумкин. Шунинг натижасида соф ақида тарафдорлари ўз муҳолифларига фақат нақлий далилларни ўрганиш билан ҳам шуғулланишларига тўғри келган эди.

Шундай қилиб, аввал салаф уламолари томонидан ман қилинган калом илми ислом дунёсида ҳам кенг кўламда ўрганила бошланди ва бу фанда дунёга машҳур ислом мутафаккирлари, файласуфлари ва мутакаллимлари етишиб чиқди.

Натижада, мусулмон оламида калом илмида аҳли сунна вал- жамоа ақидасига мувофиқ бўлган икки мазҳаб: Бағдодда “ашъарийлик”, Самарқандда “мотуридийлик” мактаблари

пайдо бўлди. Юқорида калом илмига нисбатан билдирилган қарши фикрлардан фарқли ўлароқ, ушбу икки аҳли сунна вал жамоа мактаби мутакаллимлари калом илмига нисбатан ўзларининг ижобий фикрларини билдира бошладилар.

Бундай олимларга мисол килиб, мотуридий калом мактабининг машҳур намоёниси Абул-Юср Паздавийнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Калом илми фарзи айн бўлган усул ад-диннинг шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқоддилардан ўрганиш мубоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир” [11:38]. Аллома “Усул ад-дин” асарида “Китобул-олим вал-мутааллим”дан устоз ва шогирд ўртасида бўлиб ўтган қуйидаги суҳбатни калом илми билан шуғулланиш мумкин эканига далил сифатида келтиради.

Шогирд:

- Устоз, баъзи одамлар менга: “Бу ишга (калом илми билан шуғулланишга) асло дахл этма. Зеро, саҳобалар ҳам бу ишларнинг ҳеч бирига дахл этмаганлар. Уларнинг қилганини қил” дедилар.

Устоз:

- Сен уларнинг камчиликларидан баъзиларини кўриб, уларга қарши далил излаётганингни пайқадим. Агарда улар сенга: “Саҳобаларга етган нарса сизга етмайдими?” десалар, уларга: “Саҳобаларнинг ўрнида бўлганимда, уларга етган нарса менга ҳам етар эди, аммо уларнинг ҳузурида бўлган зот менинг ёнимда йўқ”, дегин.

“Биз, бизни бадном қилишга урунганлар ва қонимизни тўкишни ҳалол санайдиганларга дучор бўлдик. Қайси биримиз ноҳақ ва қай биримиз ҳақ? Буни билмаслигимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни ва номусимизни ҳимоя қилмоғимиз лозим. Расулulloҳ (с.а.в)нинг асҳоблари эса, қарши курашувчилари бўлмаганидан аслаҳага эҳтиёж сезмаган халққа ўхшар эдилар. Биз эса, уруш қиладиган душманга йўлиққанимиз учун ҳам курулганишимиз зарур”. Паздавийнинг гувоҳлик беришича, Абу Ҳанифа ҳам ўз шогирдларига калом илмидан таълим берган ва бу борада муътазилийлар билан мунозаралар олиб борган. Лекин умрининг охирида калом илмида мунозара қилишдан қайтарган. Шундай бўлсада, калом илмини ўрганиш ва бу борада китоблар тасниф қилишга руҳсат берган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам, амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу мавзунини нақадар муҳимлигини кўрсатади. Ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги киёфасини ҳам белгилаб беради.

Абул-Юср Паздавий ўз давридаги бошқа фирқалар билан баҳслар олиб бориш билан бир қаторда, ашъарий таълимоти ва бошқа тоифаларни уларнинг асарлари орқали ўрганиш билан чегараланмасдан, бевосита ашъарийлар ва нотўғри ақидадагилар билан ҳам илмий баҳс-мунозаралар олиб борган. Демак, Паздавийнинг бой илмий меросини хусусан “Усул ад-дин” асарини мотуридийлик таълимотини ҳимоя қилувчи асар сифатида баҳолаш ўринлидир. Шунингдек, бу асар бугунги кунда пайдо бўлган айрим экстремистик кайфиятдаги адашган оқимларга қарши курашда ҳам катта аҳамият касб этиши табиий.

АДАБИЁТЛАР

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020.
2. Абул Юср Муҳаммад Паздавий. Усул ад-дин. – Миср: Мактаба ал-Азҳария лит турос, 2003.
3. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.
4. Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. – Қоҳира: Дор ал-Жинон, 1988. – Ж. I.
5. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. Мирқотул мафотиҳ фи шарҳи мишкотул масобих. – Байрут, 2002.
6. Абдулхай Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳия фи тарожими-л-ҳанафия // Аҳмад Заҳабий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-арқам ибн ал-арқам, 1998. – Ж. I.
7. Алоуддин Абу Бақр ибн Масъуд Косоний. Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. – Қоҳира: Дор ал ҳадис, 2005.
8. Доктор Ваҳба Зухайлий. Фикҳ ал-исломий ва адиллатух. – Дамашк: Дор ал-фикр, 2006.
9. Ислом маърифати: Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Уламолар Кенгаши. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
10. Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий. Иъло ас-сунан. – Байрут, Ливан: Дор ал-фикр, 2001.
11. Саидмухтор Оқилов. Абу-л-Муин Насафий илмий мероси ва мотуридийлик таълимоти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008.
12. Имом Аъзам. Имом Аъзам асарлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
13. Улрих Рудолф. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳукуки, 2001.
14. Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
15. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Т.: Sharq, 2011.